O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INT. №

O'zbekiston Demokratik Xalq Partiyasi

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 18-dekabr • Seshanba • 153 (27.798) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

**«Овоз беришни ташкил этиш, сайловчилар ўз хоҳиш-иродаларини яширин билдиришларини таъминлаш, биноларни жиҳозлаш ва уларда зарур тартибни сақлаб туриш учун участка сайлов комиссияси жавобгардир».**

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддасидан.

## Ижтимоий ҳимоя: амалий ишлар 2

— Биргина бу эмас, — дейди вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси бошлиғи Илҳом Амонов, — ишчи ўринлари яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастурига мувофиқ иқтисодий соҳанинг барча жабҳаларида қарийб 40 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди. Масалан, меҳнат бозорида олиб борилган фаол сиёсат туфайли аҳолини иш билан таъминлаш 4,5 фоизга ортди. Корхоналар билан шартномага асосан касаначиликка асосланган 9070 та иш ўрни очилди.

## Парвез Мушарраф: Покистон ўз ҳудудида 3

АҚШ ҳарбийларига операциялар ўтказишга йўл қўймайди

Покистоннинг махсус хизматларига Усама бен Лоден қаерга яширингани маълум эмас экан. Лекин...

## Соғлиқ — оила тинчлиги, эл осойишталиги 4

Тиббий масканда замонавий техник воситалар етарли. Шифокорлар малакаси-чи?

Бу каби саволларга Тошкентдаги 1-шаҳар клиник юқумли касалликлар шифохонаси бош шифокори ўринбосари, олий тоифадаги врач Гулноза Қурбонова жавоб беради.




# Ҳуқуқий ва ҳақиқий шарт-шароит

**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни сайловчиларнинг овоз бериш тартиби ва у қандай ташкил этилиши борасида Тошкент шаҳар, Яккасарой туманидаги Юнус Ражабий маҳалласида жойлашган 644-сайлов участкаси комиссия аъзолари билан гурунг.**



Участка гавжум. Кимдир сайловчилар рўйхатидан сайлов ёшидаги ўз оиласи аъзоларининг исм-шарифини қидираяпти, кимдир алоҳида хонада тартиб билан териб қўйилган сайлов қонунчилигига оид қонунлар, қонуности ҳужжатлар, низомлар ва марказий газеталар тахламлари (жумладан, сиёсий партиялар нашрлари)ни варақлаб, мутолаа қилаяпти. Кимдир Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодларнинг ўзбек ва рус тилларида нашр этилган таржимаи ҳоллари билан танишмоқда...

Бир ёнда — сайлов куни участкага байрамона кайфият билан ўғил-қизлари-ю набираларини етаклаб келганларга овоз бериб бўлгунларига қадар фарзандлари ўйнаб туришлари учун мўъжазгина болалар хонаси: қорбобо, қорқиз, айиқполвон, айёр тулки, қўрқоқ қуён, жирафа, туя, ҳар хил ўйинчоқлар. Бу ёнда — телевизор, компьютер. Тўрда эса юмшоқ мебеллару гиламлар билан жиҳозланган катта зал: хоҳласангиз, ҳужжатли кино кўринг, суҳбат қуринг. Яна бир ёнда (ҳар эҳтимолга кўра) дори-дармонлар бурчаги...

— Қаранг, чинакам адолатли иш қилишибди, — деди фуқароларнинг бири девордаги сайлов участкаси аъзолари рўйхатидан кўз узмай. — Ҳаммасини бирорта ҳам сиёсий партия аъзолари бўлмаган ва ҳеч бирига ён босмайдиган партиясизлардан танлашибди...

2-бет

**23 ДЕКАБРЬ — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни**

# Сайлов қонунчилигига бағишланган семинарлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи барча сайлов округларида округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларининг миллий сайлов қонунчилигимизга оид ҳуқуқий билимини ошириш, фаолиятини сайлов жараёнини тартибга солувчи қонунларга мувофиқ ташкил этиш, барча сайлов участкаларининг бўлажак овоз бериш жараёнига тўлиқ тайёрлигини таъминлаш масалалари — 9-15 декабрь кунлари бўлиб ўтган ҳудудий семинарларнинг асосий мавзуини ташкил этди. Мазкур семинарлар Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар календарь режасига мувофиқ ташкил этилди.

*(Давоми 2-бетда)*

# Бош Қомусимиз ва сайлов мавзуига бағишланди

***Россия давлат геология-қидирув университетида мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллиги ҳамда олдинда турган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мавзуларига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. У Ўзбекистоннинг Москвадаги дипломатия ваколатхонаси томонидан ташкил этилди.***

Россия давлат геология-қидирув университети Россиядаги тоғ-геология, ёқилғи-энергетика ва минерал ресурслар мажмуи учун мутахассислар тайёрлайдиган етакчи олий ўқув юрти ҳисобланади. Университетни Ўзбекистон конхоналари, жумладан, республикамиз иқтисодиётининг байроқдорларидан бири — Навоий кон-металлургия комбинати билан мустаҳкам анъанавий алоқа ришталари боғлаб туради. Мустақиллик йиллари мобайнида мазкур илм даргоҳида мамлакатимиз учун юзлаб мутахассислар тайёрланди. Учрашувда ҳозирги пайтда ушбу университетнинг кундузги бўлимларида таҳсил олаётган юз нафардан зиёд талаба, магистрант ва аспирантлар ҳозир бўлдилар.

Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчиси Бахтиёр Исломов тадбир иштирокчиларини «Ижтимоий ҳимоя йили»нинг якунлари ҳамда мамлакатимизда «Ёшлар йили» деб эълон қилинган 2008 йилдаги устувор йўналишлар ҳақида сўзлаб берди. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимиз раҳбарияти кадрлар тайёрлашга, шу жумладан, хориждаги етакчи олий ўқув юртларида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш масаласига катта аҳамият қаратиб келаётгани таъкидланди. МДҲ ҳудудида ноёб саналадиган Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур доирасида юзлаб талабаларимиз иттифоқчилик ва стратегик шериклик муносабатлари боғлаб турган Россия Федерациясининг олий ўқув юртларида таълим олишмоқда.

Учрашувда сўзга чиққан Навоий кон-металлургия комбинати бош директорининг ўринбосари, комбинат ваколатхонасининг раҳбари Шавкат Мухамедшаев ҳамда ўзбекистонлик талабалар юртимиз ҳудудидан ташқарида бўлишларига қарамай, она-Ватанда рўй бераётган барча ўзгаришлардан яхши хабардор эканликларини таъкидлашди. Сўзга чиққанларнинг фикр билдиришларича, 23 декабрь куни бўлиб ўтадиган Президент сайлови, шубҳасиз, йилнинг муҳим сиёсий воқеаси ҳисоблангани ҳолда у Ўзбекистоннинг яқин етти йил ичидаги тараққиётини белгилаб беради. Шу муносабат билан ушбу сайловда қатнашишга ҳозирлик билдирилди.

Сайлов 23 декабрь куни нафақат элчихона биносида ташкил этилади, балки участка сайлов комиссияси вакилларининг гуруҳи сайёр сайлов қутиси билан ўзбек талабалари тўп бўлиб яшайдиган жойларга ҳам боришади.

Ўша куннинг ўзида мазкур олий ўқув юртининг раҳбарияти билан ҳам учрашув бўлиб ўтди. Россия давлат геология-қидирув университети ректори, геология-минералогия фанлари доктори, профессор Анатолий Корсаков юқори малакали кадрлар тайёрлаш юзасидан Ўзбекистон раҳбариятининг ғамхўрлиги ва эътиборига юксак баҳо берди. У, шунингдек, ўзбек талабаларининг меҳнатсеварлиги ва илмга чанқоқ эканликларини таъкидлар экан, таълим соҳасида республикамиз билан ҳамкорликни чуқурлаштиришга, жумладан, мазкур олий ўқув юртининг Ўзбекистонда бўлимини ташкил этишга университет тайёр эканини маълум қилди.

**«Жаҳон» АА**
*Москва*

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 18 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:**

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1133,83 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2629,67 |
| 1 Дания кронаси | 253,57 |
| 1 БАА дирхами | 350,98 |
| 1 АҚШ доллари | 1288,74 |
| 1 Миср фунти | 233,60 |
| 1 Исландия кронаси | 21,05 |
| 1 Канада доллари | 1274,59 |
| 1 Хитой юани | 174,70 |
| 1 Малайзия ринггити | 388,56 |
| 1 Польша злотийси | 528,19 |
| 1 СДР | 2040,01 |
| 1 Туркия лираси | 1099,89 |
| 1 Швейцария франки | 1138,06 |
| 1 ЕВРО | 1890,97 |
| 10 Жанубий Корея вони | 13,94 |
| 10 Япония иенаси | 115,45 |
| 1 Россия рубли | 52,68 |
| 1 Украина гривнаси | 255,20 |

** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

**☑ ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати**

# Сиёсий куч таянчи

Бошланғич ташкилотлар сиёсий партиянинг асосий таянчи, суяб турган устуни ҳисобланади. Айнан ўша ерда ишларнинг ташкил этилишига қараб партия аъзолари, электорат вакиллари ҳамда кенг жамоатчилик сиёсий куч фаолиятига баҳо беради. Қолаверса, партия ташкилотлари етакчилари, аъзоларнинг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан етуклиги унинг фаолияти самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон ХДПда ташкил этилган сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими бу борада ўз самарасини бераяпти.

Пойтахтимиздаги «Совпластитал» қўшма корхонасида мазкур тизим доирасида сиёсий семинар ташкил этилиши бежиз эмас. Ўзбекистон ХДП Чилонзор туман кенгаши раиси Раъно Маматқулованинг таъкидлашича, бу ердаги БПТ энг фаол ишлаётган, жамоадаги партия аъзоларининг ишончини қозонган бошланғич ташкилотлардан биридир.

Семинарда ЎзХДП Марказий Кенгаши Экспертлар гуруҳи аъзоси, фалсафа фанлари номзоди Маргарита Аҳметбекова «Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида» мавзуида маъруза қилди. У Ватанимиз тараққиётининг босқичлари, тутган йўли, жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ҳақида батафсил тўхталди. Юртимизда олиб борилаётган барча соҳаларда ислоҳотлар инсон манфаатига қаратилганини таъкидлади. Шунингдек, иштирокчиларнинг мавзу юзасидан саволларига жавоб қайтарди. Семинарда сўзга чиққан қўшма корхона бош директори, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Александр Мелкумов корхонада меҳнат қилаётган 700 га яқин ишчи-ходимнинг 110 нафари ЎзХДП аъзосидир, дея таъкидлади. Жамоа «Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан амалга оширган ишларнинг ташаббускори, ташкилотчиси БПТ эканини эътироф этди. Бу ерда 150 дан ортиқ ёшлар меҳнат қилар экан, Ёшлар йилида партия ташкилоти олдига янада улкан вазифалар қўйилишини уқтирди.

Семинар давомида ЎзХДП сафига янги қабул қилинган ёшларга партияга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

**Беҳзод ШУКУРОВ**



***Суратда:*** *ЎзХДП Чилонзор туман кенгаши раиси Р.Маматқулова партияга аъзолик гувоҳномасини топширмоқда*

**Козим ЎЛМАСОВ олган сурат.**

# Ғамхўрликнинг яна бир ифодаси

2008 йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва санъатини, иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишга, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини юксалтиришга, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга ҳисса қўшиб келаётган шахслар меҳнати муносиб рағбатлантирилиб, улар қўшимча моддий қўллаб-қувватланадиган бўлдилар.

Жумладан, давлатимизнинг юксак фахрий унвонларига сазовор бўлган шахслар учун бериб келинаётган тўловлар энг кам иш ҳақининг 2 баробари, хизмат кўрсатган мураббийлар, журналистлар ва маданият ходимлари учун эса энг кам иш ҳақининг 1 баробари миқдорида оширилиши давлатимизнинг эл-юрт олдида меҳнат қилиб, қадр топган кишиларга нисбатан ғамхўрлигининг яна бир ифодасидир.

Ойлик тўловлар Республика давлат бюджети маблағлари ва хўжалик юритувчи субъектлари ҳисобидан тайинланади.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

# Ҳуқуқий ва ҳақиқий шарт-шароит

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

— Эътибор қилинг, бунинг устига барчаси эл орасида таниқли, бообрў одамлар... — деди ёнидаги шериги ҳам рўйхатга кўз ташлаб.

— Халққа нон-туздан ҳам аввал адолат керак, — изоҳ берди улар ёнидан ўтаётиб сайлов участкаси раиси Михаил Митрафанович Киктев соф ўзбекча талаффузда. — Нажот — ҳақдадир! Темур бобомизнинг сўзи. Мамлакатда тинчлик, фаровонлик, тўкин-сочинлик, фарзандлар камоли — ҳаммасининг асоси мана шу!..

**— Сайлов куни бу ерда қанча сайловчи овоз беради?** — сўради бояги кишилардан бири — ўзини участка ҳудудидаги 70-уйда яшовчи Зайниддин Зиёмов дея таништираркан.

— 1565 нафар.

— Ўҳ-ҳуў, анчагина экан... Лекин, участкани сайловга тайёрланишига «беш!». Ўзиям маҳалланинг қоқ ўртасида. Кенг майдон, атроф ям-яшил...

— Менга ҳаммасидан ҳам, — сўзга қўшилди шериги Рустам Раҳмонов, — бизларга ўхшаган пенсионерлар учун овоз бериш жараёнларининг ўнғай қилиб жойлаштирилиши ёқди. Кирасиз, бюллетень оласиз, кабина, овоз бериш қутиси... Жуда қулай жойлашибди-да...

Пенсионер акамиз ҳавасини келтирган қулайликларнинг кетма-кетлигига биз ҳам разм ташладик: кираверишда «Ўзбекистон Республикасида сайловлар тўғрисидаги Қонун» ва қонуности ҳужжатларига мувофиқ сайловчининг аввал бюллетень олиш жойи, кейин яширин овоз бериш кабинаси, сўнгра сайлов қутиси... Биридан ўтиб, бирига бориш жуда ўнғай, жуда қулай тахтланибди. Бино ҳам сайлов қонунчилигига кўра кенг, ёруғ.

— Сайлов куни овоз бериш бошланишидан олдин, — изоҳ берди участка раиси, — сайловнинг қонуний олиб борилиши учун участка сайлов комиссияси аъзоларининг тўла иштирокида даставвал сайлов қутиларини текширамиз ва муҳрлаймиз. Амалдаги қонунчилигимизга кўра, овоз бериш бошланиши билан ҳар бир сайловчининг шахсан ўзи овоз беришини таъминлаймиз. Бировнинг номидан ёки ишончнома асосида овоз беришга йўл қўйилмайди...



**— Ўша куни айрим сайловчилар маълум бир узрли сабаблар (сафарда, хизмат сафарида, ўқув фаолиятининг тартибига кўра ўзга жойларда ёки давлат ва жамоат мажбуриятларини бажариш жараёнида, шунингдек, соғлиғининг аҳволи сингари бошқа ҳолатларда) сайлов участкасига келаолмаса-чи?** — сўзини бўлиб сўрадик.

— Бундай шароитда бошқа маъмурий ҳудудга кетаётганлиги тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган сайловчиларга участка сайлов комиссияси томонидан сайлов варақалари берилади. Улар Президентликка номзодлар хусусида ўз қарорини варақада ифода этиб, уни конвертга солиб, участка сайлов комиссиясига топширади. Сайлов варақасининг ёпиқ конвертда қолдирилиши сайловчиларга овоз беришнинг яширин тарзда амалга оширилишини кафолатлайди. Мақсад — сайловчиларга ҳар қандай шароитда ҳам ўз сайлов ҳуқуқларидан фойдаланишларини кафолатлаш. Масалан, мана, олдимизда Қурбон ҳайити байрами турибди. Кўпгина юртдошларимиз ҳозир ҳаж сафарида. Улар Марказий Сайлов комиссияси қарори билан Ҳажга жўнаб кетишлари олдидан истиқомат жойларида сайлов варақаларини тўлдириб, конвертга жойлаб овоз бериш имконига эга бўлишди. Бизнинг сайлов участкамизда ҳажга сафарига кетганлар йўқ, лекин, Юнус Ражабий кўчасидаги 70-уйда бир нафар сайловчи сайлов куни истиқомат жойида бўлолмаслигини айтиб, сайлов варақаси сўраб келди. Участка сайлов комиссияси унга чиндан ҳам бошқа маъмурий ҳудудга кетаётганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларга кўра сайлов варақаси берди.

— Агар, — сўзида давом этди у, — сайлов куни кутилмаганда соғлиги ёмонлашиб қолса ёки бошқа бирор сабаб туфайли овоз беришга келаолмаса, сайловчининг илтимоси билан участка сайлов комиссиямиз, уларнинг турар-жойида овоз беришлари учун имконият яратади. Ҳозирдан комиссиямизнинг 2 нафар аъзосини сайловчиларнинг турар-жойида овоз беришларини ташкиллаштириш учун ажратиб қўйдик. Бу — фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳар бир фуқаро овози муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади...

Раис ва комиссия аъзолари билан сайловчилар рўйхатлари илиб қўйилган жой сари юрдик.

— Рўйхатларни, — дейди сайлов участкаси котиби Феруза Тўйчиева, — сайловчилар келиб танишишлари учун қонунчилигимизга мувофиқ сайловга ўн беш кун қолганида тақдим этганмиз. Овоз бериш куни улар паспорти ёки ўз шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатига кўра сайлов бюллетени олишади.

**— Борди-ю, қайсидир сабаб билан сайлов рўйхатига кирмай қолганлар бўлса-чи?** — сўради бизни кузатиб турган сайловчилардан бири.

— Тўғри, қандайдир сабаблар билан рўйхатга кирмай қолганлар ҳам бўлиши мумкин, — тушунтирди котиб у кишига изланиб. — Бундай ҳол олдинги сайловларда ҳам бўлган. Лекин бундай ҳол юз берган тақдирда улар овоз беришдан маҳрум бўлмайди. Улар келиб участка сайлов комиссиясига мурожаат қилишади. Комиссия улар шахсини ва турар-жойини тасдиқловчи ҳужжат асосида сайловчилар рўйхати иловасига киритади ва сайлов бюллетени беради...

**— Борди-ю, сайлов бюллетени олган сайловчи яширин овоз бериш кабинасига кириб, бюллетенни мустақил тўлдириш имконига эга бўлмаган ҳолларда нима қилади?** — савол берди ҳалиги сайловчи яна.

— Бюллетенни ўзи мустақил тўлдира олмайдиган шахслар комиссия аъзолари, кузатувчилар ва номзодларнинг вакилларидан ташқари кабинага ўзи хоҳлаган бошқа холис бир кишини ёрдам бериб юбориши учун таклиф қилиш ҳуқуқига эга. Такрор айтаман, бундай ҳолларда участка сайлов комиссияси аъзолари, кузатувчилар ва номзодларнинг вакиллари кабинага киришга ҳақли эмаслар...

**— Сайлов куни участка сайлов рўйхатига кирган сайловчиларнинг ҳаммаси барвақт тўла овоз бериб бўлса, комиссия овоз бериш жараёнларини тугатадими?**

— Йўқ, — жавоб берди бу гал комиссия раиси ўринбосари Муяссар Толипова, — Сайлов қонунчилигига кўра рўйхатга кирган сайловчилар барвақт тўла овоз бериб бўлса ҳам овоз бериш жараёни кеч соат 20.00 га қадар тугатилмайди. Чунки, муайян бир сабаб билан рўйхатга кирмай қолган сайловчи энг сўнгги дақиқаларда келиб қолиш эҳтимоли йўқ эмас!..

— Қисқаси, — гурунгимизга якун ясашга чоғланди раис, — сайловда овоз бериш яширин бўлади. Бунгача бўлган ҳамма жараёнлар-у, босқичлар очиқ-ошкора ўтмоқда. Кўриб турибсиз, тараддуд пухта. Мақсадимиз боя айтганимдек адолатли, демократик сайловни таъминлаш.

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ.**

**Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар**






**23 ДЕКАБРЬ — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни**

# Сайлов қонунчилигига бағишланган семинарлар

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ҳар бир сайлов участкасида иккитадан семинар ўтказилди. Барча участка сайлов комиссияларининг раислари, раис ўринбосарлари ва котибларига Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда афзалликлари халқаро сайлов стандартлари билан таққосланган ҳолда батафсил тушунтириб берилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талаблари, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида», «Фуқаролар сайлов ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида» ва «Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунлар, сайловни ташкил этиш билан боғлиқ бошқа қонун ҳужжатларида акс этган қоидалар ҳам батафсил тушунтирилди.

Тадбирларда участка сайлов комиссиялари фаолиятида коллегиаллик, мустақиллик, қонунийлик, адолатлилик ва ошкоралик тамойилларига қатъий риоя қилиш, сайлов куни уларнинг иши миллий сайлов қонунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйилган демократик меъёрларга тўла мос келиши зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Сайловчиларнинг овоз беришини ташкил этишда қонун меъёрларига қатъий риоя қилиш, уларнинг сайлов куни қаерда бўлишидан қатъи назар, сайловда иштирок этиши ва сайлаш бўйича ўз конституциявий ҳуқуқини рўёбга чиқаришини таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, сайлов куни сайлов участкаларининг иш тартиби, жумладан овоз беришнинг бошланиши, овоз беришни махсус ёки яширин овоз бериш хоналарида амалга ошириш, овозларни санаб чиқиш, овоз бериш якунлари бўйича протокол тузиш ҳамда уни тегишли сайлов комиссиясига тақдим этиш билан боғлиқ жиҳатлар батафсил тушунтирилди. Бундан ташқари, семинарлар иштирокчиларининг эътибори сайлов бюллетенларини бериш ва олишда қатъий ҳисоб-китоб юритиш зарурлигига қаратилди.

Таъкидлаш жоизки, барча семинарлар очиқлик ва кенг фикр алмашиш руҳида ўтди. Иштирокчиларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди. Ҳар бир семинар якунида ўтказилган амалий машғулотлар сайлов куни участка сайлов комиссиясининг иш тартиби бўйича бу борада эгалланган билим ва кўникмаларни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Шундай семинарлардан бири 2-Тошкент шаҳар сайлов округи участкалар комиссиялари аъзолари учун ташкил этилди. Округ сайлов комиссияси раиси А.Аҳмедов семинарни очар экан, округнинг барча сайлов участкаларида сайловни миллий сайлов қонунчилигимизга тўла мувофиқ тарзда, намунали ўтказиш учун барча зарур чора-тадбирлар кўрилганини қайд этди. Сайловчилар иштирокида сайловни ўтказиш тартиби, хусусан сайлов бюллетенларини тўлдириш қоидаларини тушунтириш ишлари давом эттирилмоқда.

Семинарда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз ҳаётида муҳим сиёсий воқеа эканини, бу эса участка сайлов комиссиялари зиммасига сайловни миллий сайлов қонунчилигимиз меъёрлари ҳамда халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган тарзда, юқори савияда ўтказиш масъулияти юкланганини алоҳида таъкидлади.

Денов шаҳрида ҳам Сурхондарё вилояти участка сайлов комиссиялари аъзолари учун ана шундай семинар ташкил этилди.

— Биз сайловни ўтказишнинг барча ҳуқуқий жиҳатлари бўйича тўлиқ ва батафсил маълумот олишга муваффақ бўлдик, — деди унда иштирок этган 141-участка сайлов комиссияси раиси Ю.Сапиев. — Бу, ўз навбатида, бизга Ўзбекистон сайлов қонунчилиги тўғрисидаги билимимизни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, бу борадаги халқаро амалиёт бўйича кўплаб янгиликлардан хабардор бўлиш имконини берди. Ушбу семинар ва амалий машғулотлар, уларда олинган махсус адабиётлар сайловни ташкил этиш билан шуғулланаётганлар учун Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловни талаблар даражасида ўтказишда катта ёрдам беради.

Семинарларда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Конституциявий суд судьялари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Тошкент давлат юридик институти мутахассислари иштирок этди.

**(ЎзА)**

# Ижтимоий ҳимоя: амалий ишлар

Бухоро вилоятида «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури бўйича кўплаб амалий ишлар амалга оширилаяпти. Жумладан, «Меҳрибонлик» уйларида тарбияланаётган болалар, имконияти чекланган ўсмирлар, кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, ногиронларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Вилоятдаги «Меҳрибонлик» уйи ҳамда жисмоний ва ақлий имкониятлари чекланган 8 та болалар махсус мактаб-интернати моддий-техника базасини яхшилаш учун 2,3 миллион сўм, уйда таълим олаётган ногирон болалар учун ўқув қуроллари ва мебеллар харид қилишга 33,1 миллион сўм маблағ сарфланди. Кам таъминланган оилалар болаларидан 21500 нафари қишки кийимбош билан таъминланди. 3600 та кам таъминланган кўп болали оилалар қорамолли бўлди. Умуман олганда, Давлат дастурини амалга ошириш учун 22,8 миллиард сўмлик, жумладан 4,3 миллиард сўмлик бюджет маблағлари харжланди.

— Биргина бу эмас, — дейди вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси бошлиғи Илҳом Амонов, — ишчи ўринлари яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастурига мувофиқ иқтисодий соҳанинг барча жабҳаларида қарийб 40 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди. Масалан, меҳнат бозорида олиб борилган фаол сиёсат туфайли аҳолини иш билан таъминлаш 4,5 фоизга ортди. Корхоналар билан шартномага асосан касаначиликка асосланган 9070 та иш ўрни очилди.

Ҳа, вилоятда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари аҳолини иш билан таъминлаш ва реал даромадлари ўсишида ҳамда турмуш тарзининг яхшиланишида муҳим омил бўлаяпти.

Жорий йилнинг ўтган даврида касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, мактаблар қурилишига мўлжалланган марказлаштирилган маблағларнинг 27 миллиард сўми ўзлаштирилди. Шунинг самараси ўлароқ, вилоятда 2880 ўқувчига мўлжалланган 5 та касб-ҳунар коллежи, 4110 ўқувчи ўрнига эга 10 та мактаб, 75 нафар бемор қабул қилишга мўлжалланган 1 та қишлоқ врачлик пункти, 126,2 километр узунликда тоза ичимлик суви ва 50 километр газ қувурининг ўтказилиши, битта болалар спорт мажмуаси бунёд этилди.

— Мамлакатимизда бундай мақсадли дастурларнинг амалга оширилиши замирида инсон манфаатлари ётади, — дейди Вобкент тумани ҳокими, Сенат аъзоси Муҳиддин Эсанов. — Ҳозир кўпчилик мулкдор. Улар айниқса, кам таъминланган оилаларга катта мурувват кўрсатмоқдалар. Қорамол харид қилиш учун 4800 оилага 3019 миллион сўм миқдорида имтиёзли микрокредит ажратилди. Бундай хайрли мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Дарҳақиқат, ниҳоясига етаётган «Ижтимоий ҳимоя йили»да ёрдамга муҳтожларни қўллаб-қувватлаш борасида қилинаётган эзгу амаллар жамиятда меҳр-оқибатни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилмоқда.

**Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

*«Водийгазтаъминот» унитар корхонаси Қувасой шаҳар филиали 8 та саноат, 254 та маиший хизмат кўрсатиш ва хусусий ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда аҳолига шартнома асосида табиий газ етказиб беради. Қиш мавсумида табиий газ узилишларига йўл қўймаслик мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди. Икки километрдан ортиқ газ қувурлари капитал таъмирланди.*

*— Қиш мавсумини муваффақиятли ўтказиш учун барча зарур чора-тадбирлар кўрилди, — дейди «Водийгазтаъминот» унитар корхонасининг шаҳар филиали бош муҳандиси Абдукарим Абдувоитов. — Айни чоғда жамоамиз мавсум ишларини тўлиқ якунлади. Айниқса, улар ижтимоий объектларни табиий газ билан таъминлашга асосий эътибор қаратмоқда.*

**Суратда:** *корхонанинг Қувасой шаҳар филиали чилангари М.Қурбонов ва бош муҳандис А.Абдувоитов.*

**Муқимжон ҚОДИРОВ, (ЎзА) олган сурат**



**Иқтисод ва ислоҳот**

# Молия бозорида сармоячилар ўрни

**Бугун молия бозори, қимматли қоғоз, сармоячи, сармоялаш каби қатор янги атамалар ҳаёт тарзимизда кун сайин кенг қўлланиб, уларга бўлган талаб ҳам тобора ошиб бораяпти**

Сармоя деганда, қонунчиликда белгиланган тартибда, молиявий ресурсларни (инвестициялар тарзида эмитентларнинг молиявий инструментларига йўналтириш мақсадида) молия бозорига чиқарувчи шахс ва идоралар тушунилади. Шу нуқтаи назардан, кенг маънода инвестор бўлиши мумкин бўлган шахс ва ташкилотларга — давлатнинг бошқарув ва ҳокимият органлари, халқаро молия ташкилотлари, юридик ва жисмоний шахслар кириши мумкин.

Инвестор бўлиш учун бошланғич инвестицион жамғармалар мавжудлиги, инвесторнинг хоҳиш-истаги ва молия бозорида инвестицияли муҳит (етарли даражада) бўлиши талаб қилинади. Инвестицияда турли воситалар: пул, валюта, кредит, қимматли қоғозлар, мулк ҳамда товар-хомашёлар (моддий ва номоддий) қўлланилиши мумкин. Булар ичида қимматли қоғозларга инвестиция қилиш — инвестор талабларини қондиришнинг энг самарали ва кенг тарқалган йўлларидан биридир.

Халқаро даражадаги инвесторлар халқаро битимлар асосида инвестицион фаолият юритиб, инвестицион сиёсатни амалга оширадилар. Ушбу сиёсат инвесторнинг мавқеи ва турига қараб, минтақавий ва миллий иқтисодиётга қаратилган стратегик ҳамда портфел кўринишида бўлади. Инвесторларга қўйиладиган асосий талаблар — бу транспарентлилик, махфийлик, ишончлилик, барқарорлик, рақобатбардошлилик, молиявий хавфсизлик ва фаоллик асосида ўз инвесторларининг ликвидлигини, даромадлилиги ҳамда хавф-хатарсизлигини таъминлашдан иборат. Одатда, инвесторлар таваккалчиликка мойил бўладилар, уларнинг хатти-ҳаракатлари бозордаги инвестицион муҳит ва бозор коньюктурасига боғлиқ бўлади.

Давлат органларининг инвестицион фаолияти уларнинг мамлакатдаги монетар ва фискал сиёсат юритишлари орқали амалга оширилади. Шу мақсадда давлат органлари профессионал инвестицион фаолият ва профессионал молия институти операцияларини ҳам амалга оширади. Бу фаолиятлар билан бирга, ваколатли давлат органлари молия бозорини тартибга солишни ҳам (мувофиқлаштириш ва назорат қилишни) амалга оширади.

Инвестициялар объекти, шакли ва миқдорини танлаш масъулияти (таваккалчилиги) шахсан инвесторнинг зиммасида бўлади, шунга мувофиқ, молиявий инструментларга, шу жумладан, акцияларга қилинган ўз инвестициялари ҳимоясининг пировард масъулияти (таваккал) ҳам инвестор (акциядор)га юкланган бўлади. Жаҳон молия бозорининг энг фаол инвесторларидан бири сифатида портфелли инвесторлар бўлиб, уларнинг асосий фаолияти инвестициялар портфелини самарали шакллантириш ҳамда бошқариб боришдир.

Ўзбекистонда охирги тўрт йил давомида фонд бозори молия бозори сегментлари ичида энг жадал суръатларда ривожланаётган тармоқ бўлиб бормоқда. Агар 2003 йилда қимматбаҳо қоғозлар бозорида умумий оборот 2002 йилга нисбатан 62 фоизга ошган бўлса, 2006 йилга келиб, унинг ўсиш суръати 2,1 мартани ва оборот ҳажми 342,1 млрд. сўмни ташкил қилди.

Республикамиз молия бозорида қимматбаҳо қоғозларнинг иккиламчи бозори айниқса тез ўсиб бормоқда. 2006 йилда унинг суммаси 227,2 миллиард сўмга тенг бўлиб, 2005 йилга нисбатан 3,4 марта ўсиш кузатилди. Иккиламчи бозор салмоғи 2005 йилдаги 39,7 фоиздан 2006 йилда 66,4 фоизгача кўтарилди. Бозор иқтисодиёти шароитларида иккиламчи бозордаги ҳолат турли мамлакатлар ва тармоқлардаги инвестицион муҳитга баҳо берувчи барометр ҳисобланади. Корхоналар акциялари иккиламчи бозорининг ривожланиши нафақат иқтисодий ўсиш, балки корхоналарни корпоратив бошқаришда сифат жиҳатидан ўзгаришлар содир бўлаётганлигидан ҳам далолат беради.

**Шерзод МАРДОНОВ, Тошкент молия институтининг катта ўқитувчиси, Холида НАБИХЎЖАЕВА, институт талабаси.**

Тадбир

**Ҳар қандай давлатнинг ривожланиши унинг табиий бойликлари билан эмас, балки ёшларининг маънавий ва интеллектуал салоҳияти билан ўлчанади. Мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини қуриш йўлида ёшларимизга яратилган ҳам ҳуқуқий, ҳам таълим-тарбиявий йўналишдаги кенг имконият ва қулайликларга бугун ҳавас қилса арзийди. Зеро, чуқур билимга эга бўлиш, дунёвий миқёсда фикрлаш ва ҳеч кимдан кам бўлмай яшашга интилиш бугун ёшларга хос фазилатдир.**

# Ёшлар — келажак бунёдкорлари

Куни кеча пойтахтимизда **«Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир»** мавзуида тадбир бўлиб ўтди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Халқ таълими вазирлиги ҳамда қатор мутасаддилар иштирокида ташкил этилган йиғилишда 2008 йилда ёшларга замон талабига мос таълим-тарбия бериш, пухта билим олиш учун замин яратиш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, шунингдек, бандлик муаммосини ҳал этиш ва янги иш жойларини ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

**Усмонали МУСАЕВ, халқ таълими вазири ўринбосари:**

— 2008 йилнинг мамлакатимизда Ёшлар йили деб эълон қилиниши фарзандларимизнинг маънавий — интеллектуал жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганининг яққол исботи деб ўйлайман. Зеро, шу вақтгача тизимда амалга оширилган ишлар бу соҳада катта янгиланишлар рўй бераётганидан далолатдир. Жумладан, ўқитиш сифатини янада ошириш учун шу йил жами 101,7 миллиард сўм маблағ лаборатория ва бошқа ўқув жиҳозлари билан таъминлашга сарфланди. Жами мактабларнинг 50,5 фоизи компьютерга эга. Таълим сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида 165 йўналиш бўйича тажриба-синов ишлари олиб борилмоқда. Мактабларда таълим жараёнининг такомиллашаётганини шу йилги фан олимпиадалари мисолида ҳам кўриш мумкин: ғолиб бўлган 61 нафар ўқувчиларнинг 47 таси мактаб ўқувчиларидир.

**Алишер ИНОҚОВ, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бошқарма бошлиғи:**

— Ижтимоий ҳимоя йилида ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган оилаларни рағбатлантириш масаласига катта эътибор берилган бўлса, кейинги йил мана шу ишларнинг мантиқий давоми сифатида бу чора-тадбирлар янада кучли тус олади. Жумладан, жорий йил ёшлар учун 600 мингта янги иш ўринлари яратилди. 2008 йилда эса ўғил-қизларни касб-ҳунарга қайта ўқитиб иш билан таъминлаш, касаначилик асосида янги иш жойларини ташкил этувчи тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, ногиронлар учун иш ўринлари очиш, иш излаётган ёшлар ва ташкилотлар учун ОНЛАЙН тиизимини яратиш режалаштирилмоқда. Коллежни битираётган ёшларни иш билан таъминлаш ва малакали ишчи бўлиб етишишига катта аҳамият бериш муҳим вазифалардан биридир. Хуллас, ёшларимизга даромад топиш ва қўшимча қулайликлар яратиш бўйича 2008 йилда қатор муҳим чора-тадбирлар амалга оширилиб, уларни ҳаётимиз ва жамиятимизда ҳал қилувчи кучга айлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар кучайтирилади.

Тадбирда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, «Миллий ғоя ва мафкура» Республика илмий-амалий маркази ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази вакилларининг ҳам мавзуга доир маърузалари тингланди.

**Гулгун СУЛТОНОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

Тиббиёт ва ислоҳот

# Соғлиқ — оила тинчлиги, эл осойишталиги

**Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераяпти. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони тиббиёт соҳасида ижобий ўзгаришларга асос солди. Республикамиз тиббий муассасаларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди, кадрларнинг касб-маҳорати юксалди.**

**Тошкент шаҳар ҳокимияти соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг 1-шаҳар клиник юқумли касалликлар шифохонаси бош шифокори ўринбосари, олий тоифали врач Гулноза ҚУРБОНОВА билан суҳбатимиз шу ҳақда.**

**— Тиббий муассасада даволаш сифати ва унинг самарадорлигини ошириш — кўп жиҳатдан моддий-техника база ва замонавий асбоб-ускуналарга ҳам боғлиқ. Бу борада шифохонада қандай ишлар амалга ошириляпти?**

— Архив маълумотларига қараганда, республикамизда 1927 йилда 60 ўринли 1-юқумли касалликлар клиник шифохонаси ташкил топган. 1935 йилдан бошлаб у 1-юқумли касалликлар шифохонаси деб атала бошланган. Яқин ўтмишда шифохонанинг бинолари кўримсиз, эски, таъмирталаб, қаровсиз аҳволда эди. Истиқлол йилларида тиббиётдаги ислоҳот туфайли шифохонамизда катта ўзгаришлар юз берди.



1998 йилдан бошлаб шифохонамизнинг 6 қаватли биноси реконструкцияси бошланиб, 2007 йил март ойида унинг «Б» блоки ишга туширилди. Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан таъмирлаш ва юмшоқ ҳамда қаттиқ жиҳозлар билан таъминлаш учун 68 миллион сўм пул ажратилди. Ҳозирги кунда шифохона 100 ўринли бўлиб, унинг 70 ўрини болалар учун, 30 ўрини катталар учун мўлжалланган. Таъмирланган блокда ҳомиладор аёллар учун вирусли гепатит ва ўткир юқумли ичак касалликлари бўлими, реанимация бўлими, қабул бўлими ҳамда клиник ташҳис маркази жойлаштирилди. Шифохонамиз стационар шаклидаги даволаш профилактика муассасаси ҳисобланади. У замонавий тиббий илм ва техника ютуқларига асосланган ҳолда иш юритади.

Шифохона компьютерлар билан тўла жиҳозланган. Лабораторияга ИФА аппарати, жонлантириш бўлимига «Сунъий нафас олиш аппарати ИВЛ», портатив УЗИ аппаратлари харид қилинди. 2 та лаборатория — клинико-биохимик ва бактериологик лабораториялар фаолият олиб бораяпти. Уларда 50 турдан ортиқ ҳар хил лаборатория текширувлари ўтказилади.

Бундан ташқари 6 ўринли жонлантириш бўлими, дорихона, қабул, клиника ташҳис бўлимлари, ошхона, дезакамера, кирхона, канцелярия бўлинмалари мавжуд. Банкда ўз ҳисоб рақамимизга эгамиз. Ўз марказий иситиш тармоғимиз бор.

**— Шифохона моддий-техника базаси тобора мустаҳкамланмоқда. Ўз ўрнида шифокорлар малакаси ҳам бунга мутаносиб бўлиши керак. Шу боис, кадрлар базаси ҳақида ҳам тўхталсангиз?**

— Албатта, беморни самарали даволаш — кадрлар савиясига боғлиқ. Бинобарин, даво масканимизда малакали врачлар етарли. Ўрта тиббий ходимлар, доялар, лаборантлар, кичик тиббий ходимлар таъминоти ҳам яхши. Тиббиёт ходимлари тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш диққат марказимизда турибди. 2001 йилда шифокорларимизнинг тоифалик даражаси 90 фоиз бўлган бўлса, ҳозир 92 фоизга етди. Ҳамшираларники эса 89 фоиздан 98 фоизга ошди. 23 нафар олий тоифали, 9 нафар биринчи тоифали, 2 нафар тиббиёт фанлари доктори-профессор, врачларга эгамиз. Ҳамшираларимизнинг 43 нафари олий маълумотли, 18 нафари биринчи тоифали кадрлардир.

Ўтган йили тиббий муассасамизда 30 хилга яқин инфекцияга чалинган беморлар даволанди. Шунингдек, шифохона қошида Тошкент шаҳар консултатив даволаш маркази фаолият кўрсатиб келмоқда. Марказ юқумли касалликларни олдини олиш, даволаш ҳамда шифохонада даволаниб кетган беморларни «Д» (диспансер) ҳисобини олиб боради.

Босқичма-босқич умумий амалиёт шифокори тизимига ўтишда шифохонанинг маслаҳат ташҳис марказининг аҳамияти катта. Унда умумий амалиёт шифокорлари ўқитилади ва малакаси ошириб борилади.

Шифохонамизда шаҳарда ягона ҳомиладор аёллар вирусли гепатит ва ўта юқумли инфекцион касалликлари бўлими фаолият кўрсатмоқда.

Ҳар йили шифохона ходимлари ўта хавфли юқумли касалликлар бўйича 35 соатлик семинар машғулотларидан ўтиб, имтиҳон синовлари топширадилар. Шунингдек, шифокорларимиз шаҳримизнинг Собир Раҳимов тумани оилавий поликлиникаларига бириктирилган бўлиб, аҳоли орасида юқумли касалликларнинг олдини олиш ва даволашда амалий услубий ёрдам кўрсатиб келишади.

Ҳомийлар ёрдамида маънавият ва маърифат хонамизни таъмирдан чиқардик, реконструкция ишлари ниҳоясига етмоқда.

Халқ орасида соғлигингни боридa асра, деган гап бор. Уни асраш эса ҳар биримизнинг ўзимизга, хонадонларимиз ва маҳалла-кўйдаги соғлом турмуш тарзига боғлиқ. Саломатликни кўз қорачиғидек асрасак, оиламиз тинчлиги ва осойишталигини ҳам асраган бўламиз.

**Суҳбатдош: Турсунтош ЖАББОРОВА, журналист.**



# Ўрмонлар — ноёб бойлик



Бойсун давлат ўрмон хўжалиги 185 минг гектар бўлиб, гўзал табиат манзарасига эга. Унинг асосий қисмини арча дарахтлари ташкил этади. Ўрмонзорда бодом, тугдона, заранг, зирк, дўлана каби мевали, терак, чинор ҳамда бошқа турдаги игна баргли манзарали дарахтлар бор. Турли хил доривор гиёҳларни айтмайсизми? Наъматак, чой ўти, дуғбой, тоғ райҳони, алкор, капалак қўнмас сингари гиёҳлардан йилига 15 тонна хомашё тайёрланиб, Тошкент фармацевтика заводига жўнатилмоқда.

Ўрмонзорнинг ҳайвонот олами ҳамда дарранда дунёси ҳам жуда бой. Бу ерда қўнғир айиқ, тоғ кийиги, ёввойи чўчқа, бўри, тулки, чиябўри каби ҳайвонлар, каклик, тоғ бургути, лочин, бедана, чил каби ноёб қушлар қўриқланмоқда. Бугунги кунда ўрмон хўжалигида 105 киши, жумладан 32 нафар қўриқчи хизмат қилмоқда. Уларнинг мақсади бу ноёб бойликни асраб-авайлаш ва кўпайтиришдир.

**Суратларда:** *қўриқчилар Баҳром Ҳайитов ва Холмамат Хўжаназаров; Бойсун ўрмон хўжалигига қарашли Ҳисор тоғлари.*

**И.ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**


Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ

«САМАРҚАНД-ТОЛА»

ЎЗБЕКИСТОН — ЛАТВИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

қуйидаги иншоотни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

| № | Объект номи ва манзили | Қурилиш муддати |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| 1 | Самарқанд шаҳри, Чўпон-Ота масканида МЧЖ «Самарқанд-тола» қўшма корхонасининг маъмурий биноси қурилиши | 6 ой |

*Қурилиш ишлари МЧЖ «Самарқанд-тола» қўшма корхонасининг хусусий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.*

***Савдо ташкилотчиси*** *— Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.*

*Буюртмачи манзили:* ***Самарқанд шаҳри, Чўпон-Ота маскани.***

***Телефон: (+99866) 273-80-55.***

*Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга эга бўлишлари ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.*

*Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:* **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.**

***Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.***

*Офферталар савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. Тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.*

*Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.*

*Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда, Самарқанд шаҳри, Чўпон-Ота масканида соат 15.00 да МЧЖ «Самарқанд-тола» қўшма корхонаси биносида ўтказилади.*



Қадрли акциядорларимиз ва мижозларимиз, ҳурматли ҳамюртларимиз!

АТ «Пахта банк»

Сизни кириб келаётган Янги йил билан чин дилдан табриклайди!

Янги йилда Сизга бахт-саодат, соғлиқ ва тинчлик-хотиржамлик тилаймиз!

«Пахта банк» Сизга йиллик 30% ли

«ИФТИХОР»

жамғарма омонат турини таклиф этади. Маблағлар 1,3,6,9,12 ва 15 ойлик муддатга сақлаш шарти билан қабул қилинади. Шошилинг, маблағлар жорий йилнинг 31 декабригача қабул қилинади. Ўзингизга бир йилга татигулик совға қилинг!



«Пахта банк» — фаровонлигингиз калитидир!



Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний туманидаги «BERUNIY TAL`K» МЧЖ таъсисчилари таркибида ўзгариш бўлганлиги муносабати билан даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 12-уй.


*Газетанинг навбатдаги сони 22 декабрь, шанба куни чиқади.*


BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Madaniyat va sport 133-69-45, 133-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36, 133-44-55 (Tel. Faks)
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 133-12-56
Kotibiyat 133-72-83, 136-55-17
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Zayniddin MAMADALIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.*
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1150
7929 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 22.50
Topshirilgan vaqti — 00.10
1 2 3 4 5 6 7
Sotuvda erkin narxda